



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Мансабга
суяниш
раҳбарни
фикрлашдан,
ҳимматдан
узоқлаштиради

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 24-iyul, shanba, 82 (23.518)-son

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Президент сайлови кампанияси бошланди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 23 июль куни ўтказилган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига старт берилди.

Марказий сайлов комиссияси 2021 йилнинг 24 октябр санасини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгиллади. Сайлов кампанияси 23 июлдан бошланиши эълон қилинди.

Президент сайлови шу йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, октябр ойида бўлиб ўтади.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев Президент сайлови янгиланган миллий сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос, демократик тамойиллар асосида, очик ва ошқора ўтказилишини алоҳида қайд этди.

Илк бор Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси асосида ўтадиган Президент сайловида конституциявий қоидалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти, яъни давлат раҳбари даврийлик принципи асосида сайловига тасдиқланди.

Мажлисида сайлов қонунчилигида белгиланган нормаларнинг ижросини ўз муддатида ва самарали таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режаси тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссияси ҳамда барча даражадаги сайлов комиссиялари Президенти сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш даврида ўз ишини қонунийлик, мустақиллик, холислик, очиклик, ошқоралик ҳамда шаффофлик тамойилларига тўла амал қилган ҳолда ташкил этади.

Мажлисида шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази ва унинг ҳудудий бўлиmlарини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда мазкур марказнинг низоми тасдиқланди. Матбуот марказида тажрибали журналистлар, ҳуқуқшунослар, таржумонлар, экспертлар ва бошқа мутахассислардан иборат иختисослаштирилган етти та гуруҳ фаолият олиб боради.

Мажлисида шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази ва унинг ҳудудий бўлиmlарини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда мазкур марказнинг низоми тасдиқланди. Матбуот марказида тажрибали журналистлар, ҳуқуқшунослар, таржумонлар, экспертлар ва бошқа мутахассислардан иборат иختисослаштирилган етти та гуруҳ фаолият олиб боради.

Учта ҳунари билан иш тополмаётган ота сарсонгарчилигининг сабаби нимада?

Пахтачилик она 35 ёшли ўғли иш тополмай қийналаётгани ҳақида мурожаат қиларкан, икки йилдан бери овора бўлганлиги учун бу ишга ўзи ҳам киришганини айтиб ўтди.

Азамат Райимкулов билан суҳбатлашиш давомида унинг қўлида бир нечта ҳунари бўлса-да, ҳамон иш топишга қийналаётганини билдик.

Қўлидан чилангарлик, электриклик ҳунарлари келиши, шунингдек, ҳайдовчи сифатида ишлаши мумкин бўлган ҳолда бир неча ойдан буюн ўзига иш топа олмаётганига сабаб нима экан? Бу ҳақда Пахтачи туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига кўнгирок қилиб сўраганимизда, мурожаатчига бир нечта иш ўринлари таклиф этилган, аммо у рад этгани ҳақида айтилди.

Бир неча йил Россияда, қурилиш соҳасида ишлаганман, - дейди Азамат Райимкулов биз билан суҳбатда. - Уша ерда кўп ҳунарларни мукамал ўргандим. Хусусан, чилангарлик, электриклик кабилардан яхшигина хабарим бор. Коллеждаги дипломим автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида. Туман бандлик марказига мурожаат қилганимда дипломим бўйича иш йўқлигини айтишди. Ўзим билган ҳунарлар бўйича иш топишим учун диплом талаб қилинар экан.

- Туман бандлик марказидаги мутасаддилар сизга бир нечта иш таклиф қилишганини айтишди...

- Тўғри, иш таклиф қилишди, мисол учун, гишт, цемент заводларида ишчи сифатида ишлашим мумкин. Маошини ҳам ёмон эмас экан, лекин операцияни

бошимдан ўтказганман, у ерда оғир иш қилолмайман, шунинг учун рад қилишга, ўзим билган касблар бўйича иш топиб беришни сўрадим.

- Бугун чилангар, электрикка эҳтиёж жуда катта бўлган бир пайтда сизга иш топилмагани ғалатику.

- Иш бор, аммо шу соҳани билишим ҳақида диплом сўрашаёпти-да. Тўғри, инкор қилмайман, шу йўналишда бепул ўқув курслари ташкил қилинган экан, лекин мен оилали одам, курсга қатнаб юрсам, оиламни ким боқади. Қолаверса, икки фарзандимга алимент тўлашим керак. Мен учун ҳар бир ўтган кун ҳисобли, шунинг учун ўқишга ҳам иложим йўқлигини айтдим.

- Бугун ўзини ўзи банд қилиш учун аҳолига кредитлар ажратилляпти, озорқ ерингиз бор экан, иссиқхона қилиш мумкин.

- Бу ҳақда ҳам айтишди. Мен ҳеч қачон меҳнатдан қочмаганман. Иссиқхона қилиш ҳақида ўйлаб кўрдим, шунингдек, берилаётган кредитга чорва кўпайтиришим ҳам мумкин экан. Банкда менга нақд пулни беришмайди, иссиқхона қуриб бериши мумкин бўлган ташкилотга ёки чорва сотиб олишим учун фермер хўжалигига пул ўтказиб бериш мумкин экан. Энди тасаввур қилинг, қўшнимиз 7 миллион сўмга 3 сотихли майдонга қурилган иссиқхонасини сотаяпти, менга эса бу пулга бир сотихга иссиқхона қуриб беришар экан. Мен уч сотихли иссиқхонани олсам қанчалик фойда кўраману бир сотихдан қанчалик? Кейин фермер билан гаплашдим. Бозордаги бир миллион сўмлик қўй пул кўчириш йўли билан менга 2 миллион сўмга тушар экан. Бу қўйни 6 ой боқиб,

фойда қилишим керак. Уни яхшилаб парваришласам, бозор нарҳида, кўпи билан бир миллион 800 минг сўмлик сотишим мумкин. Хўш, икки миллион сўмга кредитга олинган қўйдан 200 минг зарар билан чиқишим керакми? Қани бу ерда мантиқ?

- Энди нима қилмоқчисиз?
- Мен қўлимдан келадиган ҳунарлар бўйича иш топиб беришларини сўраганман, холос. Қолаверса, автомобилларни бошқариш бўйича В, С тоифадаги ҳужжатга ҳам эгаман. Бирор корхонада ҳайдовчи сифатида ҳам ишлашим мумкин. Лекин билишимча, ҳайдовчилик вакантлари ҳатто бандлик марказларига етиб ҳам келмасдан, жойида ҳал бўларкан. Таниш билишсиз, кимгадир илтимос қилмай иш топишим наҳотки шунчалик мураккаб бўлса?!

Бу биргина мисол. Аммо шу биргина мисол кўплаб инсонларнинг бошидан ўтган, ўтаётган воқеликлар билан чамбарчас боғлиқ. Гап фақатгина бандлик марказлари ҳақида эмас, балки ишга жойлашишнинг умумий тизими ҳақида кетмоқда. Ростдан ҳам, барча вакант ўринлар кўрсатиладими? Мисол учун, Пахтачи туман ҳокимлигининг сайтидаги тумандаги бўш иш ўринлари ҳақидаги саҳифага маълумотлар 2019 йил 26 март ҳолатига, деб очик-ойдин кўрсатиб қўйилган.

Бугун шаффофлик ҳақида кўп гапирилляпти, ишга жойлашиш таниш-билишлилик эмас, аниқ бир талаблар асосида ташкил этиш, бу масалага янги услубларни жорий этиш кабилар ҳақида хабарлар тарқатилмоқда. Аммо иш топиш ҳамон осон эмаслиги аҳоли билан суҳбатлар давомида англашилмоқда.

Иш кучини бир ерда тўплайдиган, қонуний асосда ташкил қилиш керак бўлган агентликлар, ишчининг соғлигидан тортиб, барча шароити ҳақида маълумотлар йиғиладиган марказларга эҳтиёж катта. Аммо уни ташкил қилиш нега ҳамон орқага сурилмоқда? Хуллас, бандлик тизими янгилаш услубига муҳтож бўлиб турибди.

Гулрўх МҲМИНОВА.

Жомбойнинг янгиланаётган қишлоқлари

Жомбойнинг Қўлбости қишлоғи туман марказидан 20-23 километр олисда, дашт ҳудудда жойлашган. Бошқа туманлардаги қишлоқлар билан қиёслаганда марказдан унча олис эмас. Аммо, эътибор қаратилмаса, инфратузилма яратилмаса, масофанинг ҳам аҳамияти йўқолар экан.

Қўлбостида шу пайтгача шароит бошқача эди. Одамлар яхши турмуш кечирининг асоси бўлган ичимлик суви, йўл, электр энергияси таъминоти, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш масалаларида муаммолар тўпланиб қолганди. Таълим ва тиббиёт муассасалари фаолиятида ҳам камчиликлар оз эмасди.

Бу йил "Обод қишлоқ" дастурига таклиф сўралганда туман раҳбарлари-ю депутатлар, жамоатчилик Қўлбости ва Ногаҳон маҳалласидаги Қўзигузар қишлоқларини танлашди.

Эрта баҳордан ушбу қишлоқларда қурилиш-ободонлаштириш ишлари бошланди.

Қўлбостидаги ишлар шу пайтгача тайинли биноси бўлмаган маҳалла учун замонавий марказ қуришдан бошланди ва бу иш қисқа фурсатда бажарилди.

Бу ерда маҳалла фуқаролар йиғини учун хоналар билан бирга кутубхона, новвойхона, кичик тикувчилик цехи ташкил этилди.

Қишлоқдаги 212 та хонадоннинг ҳар беридаги шароит ўрганилиб ҳовли-жойларни таъмирлашга ёрдам кўрсатилди. Иккита эҳтиёжманд, ижтимоий оғир шароитдаги оила учун уй-жой қуриб берилди. 9 оилага қурилиш материаллари ажратилди.

- Дастур бўйича шу пайтгача қишлоқдаги 2,5 километр йўл асфальт қилинди, 6 километрга тош-шағал тўқилди - дейди "Қўлбости" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдураҳим Абдувоҳидов. - 1700 метр янги электр тармоғи тортилди, 65 та таянч устун ва 1 та янги трансформатор, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Қишлоқда ўтган аср саксонинчи йилларида ўрнатилган сув иншооти таъмирланиб, 7 километр масофага ичимлик суви тармоғи тортилди.

Аҳолига 135 та газ баллонлари тарқатилди.

Ҳа, дарвоқе, қишлоқда 3000 метр оптик толали алоқа тармоғи ҳам тортилдики, бу ҳудуд аҳолисининг замонавий алоқа хизматлари, интернетдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтди.

Эътиборлиси, дастур доирасида бир қатор савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари фаолияти йўлга қўйилди. Бу шохобчаларни маҳаллада "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"да рўйхатда



турган аҳоли имтиёзли кредит асосида ёки ҳомиёлар кўмағида ташкил этди.

- Тўрт овсин - барчамиз тикиш-бичишни биламиз, имкон қадар уйда тикувчилик қилиб, рўзгорга ёрдам бериб келардик, - дейди шу маҳаллада яшовчи Хуршида Эргашева. - Қишлоғимизда ободонлаштириш ишлари бошланган пайтда туманимиз прокурори маҳалла марказида бўш турган жойида кичик бўлса-да битта хона қуриб, тикувчилик устaxonаси ташкил қилишга даъват қилди. Оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашиб, шу ишга қўл урдик. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қаторида биттагина хона қуриб олдик. Ҳозир бу ерда Мадина овсиним билан ишлаяпмиз.



Буюртма асосида кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари тикаяпмиз. Ёнимизга яна беш-олти нафар хотин-қиз келиб қўшилди. Уларга ҳам хунар ўргатаяпмиз. Келгусида жойини кенгайтириб, кичик тикувчилик цехи очишни режалаштириб турибмиз.

Маҳалла фуқаролар йиғини учун қурилган бинода ташкил этилган тикувчилик цехида ҳам бугун қишлоқнинг ўндан ортик хотин-қизлари иш билан банд.

- "Темир дафтар", "Аёллар дафтари"да рўйхатга олинган аҳоли бандлигини, доимий даромад манбаига эга бўлишни таъминлаш учун кўплаб хотин-қизларга тикув машиналари берилди, - дейди Жомбой тумани ҳокими Қаям Собиров. - Лекин, ҳамма аёлларимиз ҳам бу воситалардан фойдалана олмаётган, бу орқали даромад топмаётган. Шунинг учун маҳалла марказларидаги бўш турган хоналарда кичик тикув цехлари ташкил этишга қарор қилдик. Дастлаб, намуна тарзида ҳар бир сектор штаби ва биттадан маҳаллада шундай фаолиятни йўлга қўйдик. Бу иш самара бергач, ҳар бир маҳаллада шундай цехларни ташкил этишга киришдик. Туманимиз прокурори секторидagi Қўлбостида ҳам маҳалла марказидаги бўш турган хона тикувчилик цехига айлантирилди.

Маҳалла оксоқолининг айтишича, йил бошида ҳудуддаги 32 оила "Темир дафтар"да, 63 нафар хотин-қиз "Аёллар дафтари"да, 82 нафар йигит-қиз эса "Ёшлар дафтари"да

рўйхатга олинган эди. Уларни камбағалликдан чиқариш, бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаига эга бўлиш учун қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳозиргача деярли барчаси белгиланган тартибда рўйхатдан чиқарилди.

Зилола Ўрозалиева ҳам "Темир дафтар"да қайд этилган оила бекаси эди. Қўлида тикувчилик хунари бор Зилолага тикув машинаси берилиб, маҳалла марказида ташкил этилган цехни бошқаришни таклиф қилишди.

- "Темир дафтар"да рўйхатда бўлганимиз учун менга тикув машинаси, турмуш ўртоғимга мотокультиватор беришди, - дейди З.Ўрозалиева. - Шундан кейин ҳаётимиз анча изига тушди, рўзгоримизга барака кирди. Ҳозир иккимиз ҳам ишлимиз. Маҳалла марказидаги кичик цехда кунига иккита-учта қўйлақ тикаман, шунингдек, кўни-кўшиларимга, ёш қизларга бу хунарни ўргатаяпман. Буюртмалар тушяпти, уларни ҳам биргаликда бажараяпмиз. Мен бу билан чекланиб қолмоқчи эмасман, ўзим тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиб, кичик цех ташкил этишни олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ҳозирда Қўлбостида, шунингдек, Қўзигузар қишлоғида "Обод қишлоқ" дастури асосида сўнгги юмушлар амалга оширилмоқда. Қишлоқлардаги таълим ва тиббиёт муассасалари таъмирланиб, бугунги кун талабларига мослаштирилмоқда. Яқин орада ишлар яқинида етказилади ва Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги байрамини бу икки қишлоқ аҳли обод масканда нишонлайди.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.**

Виждон эркинлиги: ҚОНУНЧИЛИКДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Ўзбекистонда қадимдан турли миллат ва элат ҳамда конфессия вакиллари ўзаро тинч-тотув яшаб, диний ибодат ва расм-русумларини эмин-эркин бажариб келган. Ушбу йўналишда олиб борилаётган изчил сиёсат халқимиз ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Янги тахрирда қабул қилинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қонун виждон эркинлиги меъёрларини аниқ кўрсатиб, фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслигини таъмин-

лаб, ҳар қандай динга зўравонлик билан киритишни тақиқлайди.

Диннинг сиёсатга аралашishi ҳамда диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги қонунда аниқ кўрсатилди.

Қонун аввало, ҳар бир инсоннинг виждон эркинлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишга, ҳуқуқни қўллаш амалиётига аниқликлар киритишга алоҳида эътибор қаратилгани билан ҳам аҳамиятли.

2-саҳифа >>>

Паррандачилик Қўшрабботни камбағалликдан чиқаради(ми?)

Қўшраббот вилоятнинг энг олис, чекка тумани ҳисобланади. Бинобарин, турли хил муаммолар ҳам марказдан узоқда "болалаб кетар" экан, шекилли ҳудуд азалдан муаммолар гирдобидида қийналиб келган. Лекин бу туман бир жойда депсиниб турибди, дегани эмас.

Холис назар ташланса, таҳлил ва қиёс қилинса, кейинги йилларда жуда катта ишлар, кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилганини, аҳолининг турмуш фаровонлиги яхшилангани-ю, иссиқлик даражаси анча пайсийганини пайқаш мумкин. Қисқаси, туманининг "қизил" ҳудуддан чиқиши учун реал имкониятлар буйй кўрсатқа бошлади, десак янглишмаган бўламиз.

Туман ҳокими Ҳиммат Оқбўтаевнинг айтишича, кейинги тўрт йил мобайнида туманининг оёққа туриб олиши учун мустаҳкам пойдевор яратилган. Чунончи, шу давр ичида 8 минг гектар

майдонда янги узузморлар барпо этилди. Токзорларга туташ ҳудудларда эса юзлаб гектар ёнғокзорлар, бодом ва пистазорлар ҳосил нишонларини кўрсата бошлади. Бу турдаги маҳсулотлар экспорт йўналишига оидлиги инobatта олинса, амалга оширилаётган лойиҳаларнинг аҳамияти янада оидинлашади.

- Туманимизда сув муаммо саналади, шу боис боғ-роғларнинг аксарият қисми замонавий технологиялар асосида, яъни томчилатиб суғориш усулида парваришляпяпти, - дейди туман ҳокими. - Бинобарин, бундан

бошқа йўл йўқ бу ерда, чунки сув кичик булоқлар ва қудуқлардан олинади. Шу мақсадда минглаб тик артезиан қудуқлар бургуланди, уларга давлат томонидан молиявий кўмак берилди.

Пандемия балоси ҳамма жойда иқтисодийнинг йўлидаги ғов, оёғида қишан бўлиб турибди. Шунга қарамай, бу йил туман тарихида илк бор экспорт амалиёти рўёбга чиқарилди. Тўғри, унчалик катта эмас, лекин буни хамир учидан патир, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки туман қишлоқ хўжалиги асосан экспортбо маҳсулотлар етиштиришга иختисослашмоқда - майиз, ёнғок, бодом, писта ва шунга ўхшаш ноёб меваларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

2-саҳифа >>>

Паррандачилик Қўшработни камбағалликдан чиқаради(ми?)

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қисқаси, туманда қайси соҳага кўз ташланган, қандайдир янгилик ва ўзгаришларни илғаб оласиз. Чорвачиликда четдан наслдор моллар, қўй-эчкилар олиб келиб кўпайтирилётгани ва тармоқ тубдан жонлантирилаётгани ҳам ислохотларга чуқур мазмун-моҳият бахш этмоқда. Ижтимоий соҳада, айниқса, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш йўлидаги барча саъй-ҳаракатлар одамлар розилигига қаратилган. Тумандаги барча тиббиёт масканлари тубдан таъмирланиб ёки қайта қурилиб, замонавий шаклга келтирилди. Эндиги навбат аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат савиясини оширишга қаратилган.

Бугунги кунда мактабга таълим муассасаларига болаларнинг 70 фоиздан кўпроги қамраб олинган. Ҳолбуки, бундан 3 йил аввал бу кўрсаткич атиги 9 фоизни ташкил этган. Ижтимоий соҳадаги ушбу жараён тизимли ва изчил кенгайтирилмоқда.

Аҳолининг иқтисодий ночор қатлами камбағалликдан чиқариш тумандаги энг муҳим вазифалардан бири. Айни пайтда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилганлар сони бўйича вилоятда олдинги ўринлардан бири эгаллаб турилгани бу борада ҳали кўп иш бажарилиши зарурлигини билдиради. Тўғри, туманда ҳар йили кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда, ҳар ҳолда ҳисоботларда шундай! Бироқ камбағаллик даражаси пасаймапти. Нега шундай? Бизнингча, бунинг сабаби битта: ёшлар умуман, аҳоли учун янги иш ўринлари яратилаётган бўлса-да, меҳнатга муносиб ҳақ тўланадиган янги иш ўринлари, катта маош олиб ишлаш ёшларнинг ушалмас орзуси

рак. Бу борада тумanning имкониятлари логистик жиҳатдан чекланган. Аммо "Қаловини топсанг қор ёнади", деганларидек, бу ерда бевосита Юртбошимизнинг топшириқларига кўра, ноанъанавий йўл танланди ва хонаки товуқчиликни ривожлантиришга қарор қилинди. Давлат солиқ кўмитаси кўмағида амалга оширилаётган ушбу лойиҳага кўра, бир йилда туманда хонаки товуқлар сони 1 миллион бошга етказилади. Шу тарихи туман ўзига хос йирик паррандачилик комплексига айланади. Мана буни чинакам амбция дейиш мумкин! Негаки, 1 миллион бош паррандани, аввало, топиш, кейин боқиш ва ундан маҳсулот олиш манаман деган комплексларнинг ҳам қўлидан келмайди. Сарфланадиган маблағлар микросини-ку қўяверинг. Хўш, бу ғаройиб лойиҳа қандай амалга оширилди?

– Японларда шундай ҳикмат бор: "Бир кишини хурсанд қилмоқчи бўлсанг – балиқ соғға қил, бахтли қилмоқчи бўлсанг – балиқ тутишни ўргат!" – дея сўхбатимизга қўшилди Давлат солиқ кўмитасининг "Қўшработ туманида хонаки товуқчиликни ривожлантириш ва етиштириш лойиҳаси" офиси директори ўринбосари Элшод Бўриев. – Биз ана шу тамойилга амал қилиб, аҳолига паррандачиликни ривожлантиришни ўргатмоқдамиз. Одамлар товуқ боқишни билмайди, деган нотўғри фикрдан йироқман. Уларнинг орасида паррандачилик сирларини ипидан игнасиғача яхши биладиган, тушунадиган ишбилармонлар бор. Биз уларга кўпроқ таянмас, тажрибаларини омалаштираемиз.

Сир эмас, туман худудига четдан ҳар йили минглаб бош жўжа келтирилади, бироқ уларнинг жуда оз қисмигина вояга етади, аксарияти турли сабабларга кўра нобуд бўлади. Оқибатда аҳоли товуқ кўпайтиришни қанчалик хоҳламасин, режалари рўёбга чиқмай қолаверган. Биз ишни худди шу нуктадан бошлаб, жўжаларни аҳолининг ўзи етиштиришни ўргатишга киришдик. Бунинг учун тумандаги 40 дан зиёд маҳалла имкониятлари, товуқчиликни ривожлантиришга талабдорларнинг салоҳиятини ўрганиб, биринчи босқичда Фарғонада хориж технологияси асосида йиғилган 94 донга EGG BOX инкубаторини келтириб тадбиркорларга бердик. Жорий йил охиригача уларнинг умумий сонини 200 тага етказмоқчимиз. Ана шу инкубаторларнинг 38 таси вилоят ҳокими

ташаббуси билан "Темир дафтар"га киритилган хонадонларга текин берилди. Ушбу қурилмаларнинг умумий қуввати йилига 1 миллиондан ошиб кетади. Демак, тумanning ўзида шунча жўжа очиради ва аҳолига арзон нархлар-



да етказиб берилди. Яна бир муҳим жиҳати, бу инкубаторлар орқали бедана, каклик, ғоз, ўрдак, курка жўжаларини ҳам очиб мумкин. Уларни сақлаш, касалликлардан асраб қолиш, қандай боқиш масалаларида офис мутахассислари, ветеринар врачлари паррандабоқарларга

ҳамиша кўмакдош бўлишади. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши. Намуна маҳалласидаги инкубатор соҳиб Элдор Норкулов билан сўхбат чоғида амалга оширилаётган лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини янада тереңроқ аниқлашга бўлдим.

– Инкубаторни 6 ойлик имтиёзли даври билан 3 йил муддатга, йиллик 14 фоизли кредит асосида олдим, – деди у камида икки ҳафта илгари 528 донга тухум жойлаштирилган қурилмага ишора қилиб. – Насиб қилса, яна бир неча кундан сўнг илк жўжалар пайдо бўлади. Уларни 1-2 кун сақлаганимдан сўнг қўшнилари тарқатаман. Бошқа қишлоқдошларимдан ҳам буюртмалар келиб тушган, улардан ортганини эса бозорга олиб чиқаман. Бинобарин, хонаки товуқ тухумининг ишқибози кўп, шу боис унинг нархи ҳам юқори. Хонаки товуқ тухуми оқсилга бой, парҳезбон, экологик тоза маҳсулот ҳисобланади ва ҳамма жойда қадрланади. Инкубатор тўлиқ қувват билан ишласа йилига 5400-5500 донга жўжа очади, агар уларнинг ҳар донасини 5 минг сўмдан сотсак, қанча даромад олишимизни ҳисоблаб чиқиб қийин эмас – 30 миллион сўмдан ошиб кетади. Жўжаларни 15 кунлик қилиб сотсак, бу кўрсаткич яна икки борабар ортади.

Сўхбатдошим билан хайрлашгач, туман бўйича тарқатилган қарийб 200 донга инкубаторни бирров кўз олдимга келтирдим. Улар 100 фоиз қувват билан ишлаб турса борми, ҳаммаёқни жўжа босиб кетади-я! Етти хазинадан бирининг кўзи очилгани шу эмасми? Минглаб фуқаролар, оилалар қўшимча даромад соҳиб бўлади. Тўғри, 50-60 бош товуқ билан одам бой бўлиб кетмайди. Лекин ундан келиб турган доимий даромад оила бюджетини мустаҳкамлайди. Бу эса пировардида камбағалликни қисқартиришга яхшигина омил бўлади. Муҳими, хонаки товуқчиликни ривожлантириш лойиҳаси қўшработликлар томонидан яхши қилиб олинди ва сидқидилдан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ҳам етти хазина кўзининг очилиши учун зарур шартлардан бири десак хато эмас. Нима ҳам дердик, жўжани кузда санаймиз.

Норбобо ШАКАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси.



P/S. Мақолага нукта қўяр чоғимда "свят" ўчди. Беихтир ҳаёлимни инкубаторлар нима бўлди экан, деган безовталик чулғаб олди. Ахир уллар доимий қувват билан таъминлангани, узилишлар бўлмастаси лозим, акс ҳолда барча саъй-ҳаракатлар чиппақка чиқади. Шу андиша, ўйлар билан юқорида номи келтирилган тадбиркор танишимга кўнғироқ қилдим.
– Бир амалладим, ака, движоим бор эди, шунга қўшдим, – деди у хўрсиниб.
Бундан маълум бўлдики, инкубаторларнинг тўла қувват билан ишлаши учун ишончли электр таъминоти ҳам бўлиши керак экан. Бинобарин, Қўшработда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг ривожини учун бу муаммони ҳам ҳал этиш зарурга ўхшайди.



бўлиб қолмоқда. Демак, ёшларнинг эзгу орзулари рўёбга чиқиши учун туманга катта санаот корхоналари керак. Лекин бунинг учун йирик инвестиция, маблағ ке-

Виждон эркинлиги: ҚОНУНЧИЛИКДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

МУҲИМ ЕНГИЛЛИКЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМАНДИ

Хусусан, маҳаллий диний ташкилотлар, жумладан, масжидлар ва бошқа конфессияларнинг ибодатхоналарини ташкил этиш бўйича ташаббускор фуқаролар сони икки борабар камайтирилиб, 50 нафардан кам бўлмаган этиб белгиланди. Шунингдек, диний ташкилотнинг марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасаларини тузиш учун ҳам 100 нафар ташаббускор бўлиши ҳақидаги талаб бекор қилинди.

Диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ хизматлар тўлиқ электрон шаклда, инсон омилсиз амалга оширилиши жорий этилди.

Рўйхатдан ўтказувчи адлия идораларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сони кескин қисқариб, уларни кўриб чиқишнинг муддати 3 ойдан 1 ойга туширилди. Бу билан диний ташкилот тузиш ташаббускорларига қулай, тез ва сифатли хизмат кўрсатиш имконияти яратилди, ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилди.

Диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари қонун билан белгиланиб, унда кўрсатилмаган асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмаслиги таъминланди.

Шу билан бирга, диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш фақатгина суд орқали бўлиши, рўйхатдан ўтказадиган ва бошқа давлат органлари бунга ҳақли эмаслиги, мансабдор шахсларнинг муайян диний ташкилот қонуний манфаатларини бузувчи хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилинганди диний ташкилот давлат божини тўлашдан озод этилиши каби қўшимча кафолатлар назарда тутилди.

ДИНИЙ ТАЪЛИМНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ МАҚОМИ РАСМАН ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга бўлган муносабатидан қатиби назар, дунёвий таълим олиш ҳуқуқи таъминланиши қайд этилди.

Жамиятда диний масалалар билан боғлиқ ихтилофлар келиб чиқиши, аҳолининг ёт гоё ва қарашлар таъсирига тушишининг олдини олиш мақсадида диний таълим муассасасидан ташқарида диний таълим бериш ноқонуний фаолият сифатида белгиланди.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида "ибодат либоси" тушунчасининг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслиги сабабли жамоат жойларида ибодат либо-

сида юришга таъқиқ қонундан чиқариб ташланди. Давлат ташкилотлари ва муассасаларида ходимларнинг кийинишига оид талаблар эса уларнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қонунда диний ташкилотни тузиш учун талаб этиб келинган маҳалла фуқаролар йиғинлари розилигини олиш тартиби бекор қилиниб, диний ташкилот тузиш ташаббускорлари ортиқча хат-ҳужжатларни йиғишдан халос бўлди.

Жамиятда турли ёт қарашларни тарғиб қилаётган гуруҳларнинг фаолияти, улар томонидан тарқатилган бузғунчи ғояларнинг салбий таъсиридан аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида диний мазмундаги материалларни диншунослик экспертизасининг ижобий хулосасини олгандан кейин тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш қонунда белгилаб қўйилди.

Давлат идоралари томонидан қонун нормалари ноҳолис талқин қилиниши ва турлича қўлланишининг олдини олиш мақсадида атама ва тушунчаларга таърифлар келтирилди, улар аниқ ва равшан тарзда баён этилди.

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИЛАДИ

Қонун билан белгилаб қўйилаётган виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги асосий устуворликлар конфессиялар ўртасида тинчлик ва тотувликни таъминлаш, дунёвий давлатчилик тамойиллини кафолатлаш, шунингдек, аҳоли онги ва қалбига ёт ғояларнинг синдирилишига қарши маърифат йўли билан курашишни назарда тутади.

Ўзбекистонда истиқомат қиладиган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари 16 конфессияга амал қилади. Уларнинг узаро тинч-тотув ва ҳамкор фаолият кўрсатиши Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу боис, қонунда фуқароларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда тинч-тотувликни таъминлашга, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishiга шарт-шароит яратишга давлатнинг кафил экани қайд этилди.

Умуман, ушбу қонун инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар билан кафолатланган, диний соҳада умумэтироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлар, юртимиздаги ҳозирги диний вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва бевосита Ўзбекистонда динлараро муносабатлар шаклланишининг тарихий шароитларини ўз ичига олгани билан аҳамиятли.

Мирзо ИХТИЁРОВ,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

Абитуриентлар учун янгиликлар бор

– Бу йилги тест синовлари очик майдонларда бўлиб ўтади? Самарқандда тест синовлари қаерларда ўтказилади?

– Самарқанддаги тест синовлари 5 та худудда, очик майдонларда бўлиб ўтади. Самарқанд шаҳар Депо кўчасидаги «Локомотив» футбол стадионида 1200 та, Сартепа 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1080 та, Кимёгарлар кўрғони «Нурафшон» футбол стадионида 960 та, Самарқанд туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 960 та, Жомбой туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1200 та, жами 5400 та ўрин ҳозирланган.

– Тест синовларида абитуриентлар ўзлари билан нималарни олиб келишлари керак?

– Тест синовларида абитуриентлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли ҳамда рухсатнома олиб келишлари талаб этилади.

– Тест синовларида асосий фанлардан тушадиган саволларнинг қанчаси мураккаб?

– Тестологияда баҳолаш тестлари ҳамда саралаш тестлари фарқланади. Давлат тест марказида умумтаълим фанлари бўйича сертификатлаш ва билим даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизими доирасида тест синовлари ўтказилади. Кириш тест синовларида қабул квотаси мавжуд, яъни келов бор, шунинг учун тест синовлари вариантлари шакллантириладиганда асосий фанлардан фаолият 30 та саволнинг 12 таси осон, 12 таси ўртача, 6 таси мураккаб шаклларида фойдаланилади.

– Қўшимча 3 та фандан бериладиган саволларда мураккаблари борми ёки ўртача, осон саволлардан тузилганми?

– Мажбурий фанлар блокада бериладиган саволларнинг барчаси мазкур фанлар бўйича осон саволлардан тузилади.

– Миллий сертификат бор абитуриентларга ўша фандан 100 балл бериладими?

– Вазирлар Маҳкамасининг "Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий

этиш тўғрисида"ги қарориди 2021-2022 ўқув йили қабулдан бошлаб тегишли умумтаълим фанини (чет тили бундан мустасно) билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги сертификатга эга бўлган абитуриентга сертификатдаги ўзлаштириш физигага мос равишда ОТМ бакалавриятга ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовларида ушбу фандан белгиланган максимал балга нисбатан табақалаштирилган (пропорционал) балл бериш тартиби жорий этилиши белгиланган.

Мазкур қарор билан тасдиқланган "Умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш ва сертификат бериш тартиби тўғрисида"ги низомда сертификат тест синови натижаси бўйича энг юқори балнинг камида 60 фоизини тўплаган шахсларга 3 йил муддатга берилиши кўрсатилган.

– Жорий йилда абитуриентларга рўйхатдан ўтишда давлат грантини устуворлик сифатида белгилаш имконияти яратилди. Бу нима дегани?

– Ҳақиқатан ҳам, жорий йилдан бошлаб, тўлов шартнома асосида ўқишга имконияти етмайдиган, фақат грант асосида ўқишни истовчи абитуриентларнинг фикрлари эътиборга олинди, рўйхатдан ўтишда давлат грантига устуворликни танлаш имконияти яратилди. Яъни дастурда "Давлат гранти" ҳамда "Давлат гранти ва тўлов-контракт"ни танлаш бандлари киритилган. Абитуриент борди-ю "давлат гранти"ни танласа, аввало, тўплаган бал танланган йўналишларнинг устуворлигига қараб, қайси берига "грант"га тўғри келса, ўша йўналишга ўқишга тавсия қилинади. Танланган йўналишларнинг бирортасига ҳам "грант"га бали етмаса, кейинги қадамда контракт ўринларида текирилади ва натижа эълон қилинади. "Давлат гранти ва контракт" банди аввалги йиллардаги каби танланган йўналишларнинг кетма-кетлигида қайси бирида грант ёки контрактга тўғри келса ўша йўналишда эълон қилинади.

– Хотин-қизлар учун қўшимча давлат гранти асосидаги 4 фоизлик тавсиянома кимларга берилди? Тавсиянома олганларнинг барчасига имтиёз берилдими?

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ҳужжатлар ҳаракатланади

– Маълумотнома лозим бўлганда электрон ёки давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишнинг афзалликлари нимада?

Б.НОСИРОВ,
Иштихон тумани.

– Мамлакатимизда фуқароларга давлат хизматларини кўрсатувчи "my.gov.uz" ягона интерактив давлат хизматлари портали яратилди.

Бу тизимдан фойдаланганда кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тўловнинг 90 фоизи миқдориди ҳақ ундирилади. Мисол учун, никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажрашганлиги тўғрисида маълумотномани олиш учун портал орқали мурожаат қилинганди базавий ҳисоблаш миқдорининг 4,5 фоизи ундирилади.

Ҳозиргача бундай имкониятдан фойдаланган 400 дан ортиқ фуқаро ушбу тизим орқали давлат хизматларидан фойдаланди. Қолаверса, жисмоний ва юридик шахслар портал орқали давлат хизматларидан фойдаланганда вақт ва масофа қисқаради, шаффофлик таъминланади. Бу тизимда фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади. Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланганда давлат хизматлари учун тўловларни исталган электрон тўлов тизимларидан амалга ошириш имконияти мавжуд.

Фуқаролар ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланиш учун энг аввало "id.egov.uz" тизимдан паспорт маълумотлари орқали рўйхатдан ўтиши зарур. Мажбурий электрон рақамли имзо билан тасдиқлашни талаб этадиган хизматлар учун эса, "e-impz.uz" веб-сайти орқали олиш мумкин.

Саволга Иштихон туман давлат хизматлари маркази ходими Равшан ДАВЛАТОВ жавоб берди.



«Сўраган эдингиз»

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сонли қарорига асосан "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

T/p	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Бошланғич нархи (сўм)	Умумий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги муддати
1	Маъмурий бино (бинонинг 2-қаватидаги 5 та хона)	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси	Паст Дарғом тумани Бўстон МФЙ	225 723 400,0	-	205,21	23.08.2021 й.	21.08.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида асосан "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали аукционга чиқарилган Самарқанд вилоятида жойлашган қуйидаги жамият бўйича

САВДОЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

T/p	Жамият номи	Юридик манзили	Устав капиталли (млн. сўм)	Жамиятнинг устав фондидаги сотиладиган давлат улуши (фоиз)	Сотиладиган улушнинг нархи (минг сўм)	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги муддати
1.	"Компьютер хизмати маркази" МЧЖ	Самарқанд шаҳри Бўстонсарой кўчаси, 89-уй	7,7	100,0	7 797,0	23.08.2021 й.	21.08.2021 й.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:

Ушбу объектларни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари яқунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда қўрсатилган банк реқвизитларига қўрсатилган зақалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилган, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимида қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш кун соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф

аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмас, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённома автоматик тарзда шакллантирган ҳолда яқунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга зақалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил:

Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

Маълумот учун телефонлар:

66-233-73-54, 91-537-32-12.

Факс: 66-233-73-54

"Facebook"даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

Бехруз МАЪРУФИЙ



Бешафқат ўлим Самарқанднинг фозил фарзанди, музейшуносо олим, журналист, мохир раҳбар Бехруз Маъруфийни орамиздан олиб кетди.

Бехруз Маъруфий 1969 йил 26 апрелда Самарқанд шаҳрида адабиётшуносо олим Рауф Маъруфий оиласида туғилган. Оиласидаги ижодий муҳит, Самарқанд шаҳридаги 21-мактабда олган билими уни Самарқанд давлат университетининг филология факультетига етаклади.

Б.Маъруфий ҳарбий хизматни байналмилал жанчи сифатида Афғонистонда ўтаб келгач, меҳнат фаолиятини Самарқанд шаҳар «Самарқанд» газетасида муҳбир сифатида бошлаган. Кейинчалик у Боғишамол туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясида масъул ходим вазифасида фаолият юритди. Унинг сержайратлиги, ўз ишига масъулият билан ёндашиши ва ишчан ходим эканлиги инobatга олиниб, 1995 йилда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси раҳбарияти томонидан ташкилотга илмий котиб вазифасига ишга тақлиф этилди.

Бу ерда у кўпгина илмий мақолалар, ёзди, янги экспозиция ва кўргазмалар, илмий концепцияларни яратиб, уларни ташкил этишга раҳбарлик қилди.

Б.Маъруфийнинг Ҳазрати Хизр масжиди, Хожа Доғий мақбараси, Самарқанд шаҳар тарихи Афросиёб музейи, Регистон ансамбли, Ҳожи Абдулазиз Абдурашулов уй-музейида раҳбарлик даврида объектларда ижобий ўзгаришлар ҳамда ҳар бир объект бўйича унинг муаллифлигида буклет ва йўлқўрсаткичлар нашр этилди.

Музей-қўриқхонада олган сабоқ ва орттирган тажрибаси Регистон ансамблида ишлаган даврида қўл келди. Қисқа мuddатда Тиллақори мадрасасида «Самарқанд тарихий обидаларини тиклаш ва таъмирлаш тарихи», Мирзо Улуғбек мадрасасида «Мирзо Улуғбекнинг бунёдкорлик фаолияти» мав-

зусидаги кўргазмалари ташкил этилди.

Бундан ташқари, Шердор мадрасасидаги «Ўрта аср талласининг ҳужраси», Мирзо Улуғбек мадрасасидаги «Мирзо Улуғбек мадрасасидаги «Халқ амалий санъати» кўргазмаси ташкил этилди.

Регистон ансамблининг раҳбари сифатида 10 йилдан зиёд давр мобайнида бу ердаги тарихий обидаларни таъмирлаш-тиклаш, ҳудудни ободонлаштириш, дунёнинг турли жойларидан келатган меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлашда унинг хизматлари катта бўлди. Регистон ансамблида яратилган 3D-лазер шоу маданий-маърифий дастури амалга оширишда ҳам у бошқош бўлди.

Сўнгги икки йилда машҳур бастакор, созанда Ўзбекистон халқ ҳофизси Ҳожи Абдулазиз Абдурашулов уй-музейини ташкил этиш ва унинг экспозициясининг яратилишида ҳам Бехруз Маъруфийнинг хиссаси катта.

Бехруз Маъруфийнинг вафоти муносабати билан унинг ёру дўстлари, ҳамкасблари, устозлари оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради. Унинг номи ва эзгу ишлари барчамизнинг қалбимизда ва ёдимизда абадий қолади.

РЕГИСТОН АНСАМБЛИ ВА САМАРҚАНД ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ ЖАМОАСИ.

ҒАЛЛА ЕТИШТИРУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Туманларда 2022 йилда уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказилади.

Танлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Фермер хўжалиги раҳбари номидан ариза;
2. Фермер хўжалиги раҳбари номидан тилхат;
3. Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси туман филиали маълумотномаси;
4. Фермер хўжалиги, унинг раҳбари ва ишчи ходимлари тўғрисида маълумотнома;
5. Ирригация тизими бошқармаси маълумотномаси;
6. Туман қишлоқ хўжалиги бўлимида майдоннинг касаллик ва зараркунандаларга чалиниш даражаси тўғрисида берилган маълумотномаси;
7. Фермер хўжалиги раҳбарининг мутахассислиги ва маълумоти тўғрисида ҳужжат (димлом нусхаси);

8. Фермер хўжалиги раҳбарининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар (меҳнат дафтарчаси ва бошқа ҳужжатлар);
9. Фермер хўжалигида ишлаётган уруғчи ҳосилотнинг маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (диплом нусхаси ва меҳнат дафтарчаси);
10. Мажбуриятдан озод пул маблағи тўғрисида тегишли банк томонидан берилган маълумотнома;
11. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи томонидан берилган маълумотнома ҳамда техпаспорт нусхаси;
12. Контрактация шартномасининг бажарилиши бўйича дон корхонаси томонидан берилган маълумотнома;
13. Сўнгги 3 йил ичидаги ғалла ҳосилдорлиги бўйича туман статистика бўлими томонидан берилган маълумотнома.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ҳужжатларини 2021 йилнинг 15 августига туман қишлоқ хўжалиги бўлимига икки нусхада тақдим этишлари лозим.

Танлов туман қишлоқ хўжалиги бўлимида 2021 йил август ойининг иккинчи ўн кунлигида белгиланган жадал вазосида танлов комиссияси иштирокида ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДҚ Самарқанд вилояти бошқармасига мурожаат этишингиз мумкин.
Телефонлар: **66-234-07-66, 94-285-66-81, 94-278-44-22.**

ТАЛАБА БЎЛИШГА НОСТАНДАРТ ЕЧИМ!

"Ипак йўли" туризм халқаро университети сизга олтинчи танловни тақдим этади!

"Ипак йўли" туризм халқаро университети бакалавриятнинг қуйидаги йўналишлари бўйича ҳужжатларни 1 августга қадар қабул қилиш давом этишини маълум қилади.

Бакалаврият (таълим тили - инглиз тили):

- Амалий тиллар (*Applied languages*);
- Смарт туризм (*Smart Tourism*);
- Туризмда медиа ва коммуникация (*Media and Communication in Tourism*);
- Менежмент (*Management*);
- Туризм (*Tourism*);
- Гид - ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти (*Guidance of gid and translation*).

Абитуриентларга бир вақтнинг ўзига 3 та бакалаврият таълим йўналишларини танлаш имконияти яратилган.

Ҳужжатларни қабул қилиш университетнинг расмий сайти - <https://admissions.univ-silkroad.uz/index.php> ҳаволаси орқали бепул амалга оширилади.



"Ипак йўли" туризм халқаро университетида таълим инглиз тилида олиб борилиб, ўқишга кириш учун IELTS (5,5 дан юқори), TOEFL (72 балдан юқори), CEFR (B2 даражасидан юқори) сертификати талаб қилинади. Ҳозирда мўайян сертификатга эга бўлмаган абитуриентларга талабалар сафига қабул қилиниши учун сертификатни **10 сентябргача** тақдим этиш имкони берилади.

Агар абитуриент 2021 йил 20 июлдан 10 сентябргача бўлган мuddатда инглиз тилини билиш даражаси бўйича миллий ёки

халқаро сертификат бўйича имтиҳонларни топшириб, тегишли балл тўплаган бўлса, мазкур абитуриентларнинг тил бўйича имтиҳон топшириш харажатлари университет томонидан қоплаб берилади.

Эслатиб ўтамиз, бошқа олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар параллел равишда университет таълим йўналишларига ҳужжат топшириб, ўз имкониятларини қўшимча синаб кўришлари мумкин.

Батафсил маълумот учун университет расмий сайти ёки қуйидаги телефон рақамларга мурожаат қилишингиз мумкин:

- +99897-911-01-21 (Telegram, WhatsApp);
- +99893-348-33-80;
- +99866-240-67-70;
- +99866-240-86-16;
- +99866-240-86-06;
- +99866-240-67-86.

УРГУТ ТУМАН 1-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Касб-хунаар мактабда таълим-тарбия бериш ва касб ўргатиш истагида бўлган ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар ишга тақлиф қилинади.
Математика фани ўқитувчиси (1-2-тоифали);
Рус тили фани ўқитувчиси (1-2-тоифали);
География фани ўқитувчиси (камида олий маълумотли);
Хуқуқшунослик фани ўқитувчиси (камида олий маълумотли);
Физика фани ўқитувчиси (1-2-тоифали);
Кимё фани ўқитувчиси (1-2-тоифали);
Тикувчи мутахассислиги бўйича муҳандис-педагог (камида олий маълумотли);
Дурадгор мутахассислиги бўйича муҳандис-педагог (камида олий маълумотли);
Қурувчи мутахассислиги бўйича муҳандис-педагог (камида олий маълумотли);
Пайвандчи мутахассислиги бўйича муҳандис-педагог (камида олий маълумотли).

Мурожаат учун манзил: Ургут шаҳри Усмон Юсупов кўчаси, 9-уй. Собиж Ургут қурилиш ва миллий хунаармандчилик касб-хунаар коллежи. Телефонлар: +99890-505-20-33, +99897-929-29-48.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Иштихон туманидаги «QAYIRMA» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 203260746) ўз устав фондини 1 252 656 000 (бир миллиард икки юз эллик икки миллион олти юз эллик олти минг) сўмдан 460 053 000 (тўрт юз олтиш миллион эллик уч минг) сўмга камай-тирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетанда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Иштихон туман Қайирма МФЙ, Қайирма қишлоғи.

Иштихон туманидаги «OQTEPA GAZ OIL» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 308165381) ўз устав фондини 116 740 000 (бир юз ўн олти миллион етти юз қирқ минг) сўмдан 56 800 000 (эллик олти миллион саккиз юз минг) сўмга камай-тирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетанда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Иштихон туман Чорлоқ МФЙ, Чорлоқ қишлоғи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолитдин Мухидинович нотариал идорасида марҳум Гулямова Нодира Рустамовнага (2016 йил 10 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолитдин Мухидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолитдин Мухидинович нотариал идорасида марҳум Гулямова Нодира Рустамовнага (2016 йил 10 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолитдин Мухидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи но-

тариус Исакулова Нигора Турдикулова нотариал идорасида марҳум Осипова Валентина Порфиревнага (2021 йил 5 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикулова нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Равонак қурилиш ва миллий хунаармандчилик касб-хунаар коллежидан 2009 йилда Вафаев Азиз Ахрорович номига берилган рўйхат рақами 527, К № 1283022 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 1-ўрта мактабдан 1993 йилда Кличева Нигора Абдунабиевна номига берилган ВУ № 255591 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарзуллаева Манзура Азаматовна номига берилган У № 1910033 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 5-ўрта мактабдан 1996 йилда Насриев Фаррух Зокирович номига берилган АО № 313807 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшработ туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Яхёев Шохрух Сафар ўғли номига берилган О`R-Ш № 0959708 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд туман филиалидан 2019 йил 15 январда МЧ "Гулистон агротехсервис" агрофирмасининг маъмурий биноси, оғморхона ва ёрдамчи бинолари учун берилган 57 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

